



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 4 сентябрь, № 175 (4328)

Сешанба

Мустақиллик дарси:

ЎЗИНГ МЕНИНГ УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!

Янги ўқув йилининг биринчи соати барча умумтаълим мактабларида «Мустақиллик дарслари»га бағишланди. Жумладан, пойтахтимиз умумтаълим мактабларининг «Мустақиллик дарслари» Мустақиллик майдонида ўтказилди.

Шунингдек, бундай дарслар мамлакатимизнинг Истиқлол даврида барпо этилган бошқа диққатга сазовор жойларида, музейларда, «Маънавият ва маърифат» марказларида ҳам бўлиб ўтди.

Мактаб кўнгираги — дунёдаги энг ноёб, оҳанглари ҳар бир қалбга азиз ва севимли бўлган кўнгирақдир. Шу маънода эъзозлик, у инсон фарзандини билимга, маърифатга, камолотга чорлайди. Янги ўқув йили ҳам мамлакатимиз ҳудудидида фаолият қўрсатаётган 9773 та мактабда биринчи кўнгирақ тадбири билан бошланди. Таълим қосоналари 2007-2008 ўқув йилида 5 миллион 457 минг 710 нафар ўқувчини ўз бағрига олди.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: Мустақиллик майдонида Мустақиллик дарси.

Д. ЮСУПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзусидаги маърузасида мамлакатимизда миллатлар ва динларaro тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

БОҒДА ЎТГАН ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика байналмиал маданият маркази ташаббуси билан Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Бу байрам — барчамизники, бу тун халқимизники!» мавзусида ўтказилган дўстлик кечасида шу ҳақда сўз борди.

Унда тағйишли вазирилик ва идоралар, ҳокимликлар, рўстимизда фаолият юритиётган жамоат ташкилотлари ва дипломатик корпус, миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқимизни 2002 йилда мазкур нуфузли турнирни Ўзбекистонда ўтказишни маъқул топгани. Қаторасига уч марта уюштирилган чемпионат ўйналари ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтди. Шуларни ҳисобга олган ташкилотчилар даявогар мамлакатлар кул бўлишига қарамай, чемпионатнинг иккинчи мундтаб мусобақаларини ҳам (2005-2007) юртимизда ўтказишга қарор қилишди.

(Давоми 2-бетда).

ФИДОЙИ ЯШАШ МАСЪУЛИЯТИ

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ичида ижтимоий-иқтисодий янгилашлар энг олдинги ўринда туради. Зеро, унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилишига ҳам асос бор. Чунки мамлакатимиз раҳбарининг бевосита иштироки билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (13-модда) инсон, унинг ҳуқуқи ва манфаатлари, қадр-қиммати — энг олий қадрият, деб эътироф этилган.

Шу боисдан, юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, қолаверса, сиёсий ислохотларда инсон омилига алоҳида эътибор, устуворлик берилиши қувонарли ҳолидир.

Дарҳақиқат, тарихан жуда кўсқа вақт — атиги 16 йил ичида айнан ижтимоий масалаларни ҳал этиш ва инсон манфаатларини рўёбга чиқариш, уни муносиб ҳаёт фаровонлиги билан таъминлаш учун шарт-шароит яратиш, бунда жамиятимизнинг асосий бўлини бўлиши олинган макенини, салоҳиятини ошириш ва эҳтиёжманд хонадонларга, айниқса, оёққа туриб келаётган ёш оилалар, йўқотган ва имконияти чеklangан фуқароларга мақсадли ва манзилли кўмак бериш, оналик ва болаликни, хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида эътиборли

ишлар амалга оширилди ва бундай хайрли тадбирлар қўлами янада кенгайиб бормоқда. Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳимоя тизимида амалга оширилган сай-ҳаракатларимиз замирида бозор иқтисодиётига ўттиш жараёнида ўзбек модели деган ном билан бутун дунёда тан олинган ҳамда тараққиёт йўлимизнинг негизини ташкил этадиган бешта машҳур тамойиллардан бири — кучли ижтимоий сиёсат ётади. Барча йўналишлардаги каби, ижтимоий ҳимоя борасида ҳам бизнинг ўз тараққиёт йўлимиз аллақачон шаклланиб бўлган. Унинг пойдеворида узоқ ўтмишдаги буюк аجدларимиз томонидан асос солинганлиги ва бу ўзини оқлайётганини аърофимиздаги яқин ва узоқ хорроқ давлатлари ҳам тан олишмоқда.

▼ Муносабат

дан бошлаб янада ошди. Авваллари теннисчилар чемпионатга фақат мукофот жамғармасини ютиш учунгина келардилар. Пойтахтимизда ўтказилган чемпионатлардан бошлаб яқинки бахслари голибларга теннис олимпиадининг энг нуфузли мусобақаларидан бири — «Australian open»га йўлланмалар берила бошлади.

Кеча мусобақаларнинг биринчи кўни ҳамоиртиз Денис Истомин гонконглик Хо-Тунг Юни 6/3, 6/4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шунингдек, теннисчиларимиздан Важа Узоқов, Диана Нарзиқуллова, Албина Хабибулова, Влада Екшибаровалар биринчи учрашувларини галаба билан юқулашди.

3. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида биринчи курс курсантларининг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга курсантларнинг ота-оналари, яқинлари ва жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Анъана тусини олган ушбу тадбир ҳар йили 1 сентябрь — энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини таъкидлашда теран маъно бор. Зеро, ўтган 16 йиллик шонли давр мобайнида барпо этилган миллий армиямиз ҳам, бугун ўзбек ўғлонларининг ўз Ватанида армия мактабини ўташи-ю, шу юрда қасамёд қабул қилиши ҳам — барчаси истиқлолимиз шарофати, мустақиллигимиз берган улкан имкониятлар самарасидир.

КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Тадбирда Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти бошлиғи полковник Муҳиддин Бойбусов, биринчи курс курсанти Шерзод Гафуров, ота-оналар номидан сўзга чиққан Хуснора Абдуллоева ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига улкан эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзусида таъкидланган каби, ижтимоий ҳимоя борасида ҳам бизнинг ўз тараққиёт йўлимиз аллақачон шаклланиб бўлган. Унинг пойдеворида узоқ ўтмишдаги буюк аждларимиз томонидан асос солинганлиги ва бу ўзини оқлайётганини аърофимиздаги яқин ва узоқ хорроқ давлатлари ҳам тан олишмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Жасур КЕНГБОВ, ЎЗА мухбири.

разведкачи ва чегарачи бўлишларига юқори малакали офицер кадрлар, шунингдек, тарбиявий ишлар бўйича командири ўринбосарларини етказиб берадиган мазкур йиллик даргоҳида жорий йил қабул қилиниб, бугун халқимиз Президентига содиқ бўлишга оид ичган бўлиғуси офицерларнинг келгусида етук профессионал кадрлар бўлиб етишиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган бундай тантанали маросимлар мамлакатимиздаги бошқа олий ҳарбий билим юртлари, жумладан, Чирчик олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг махсус факультетида ҳам бўлиб ўтди.

Жасур КЕНГБОВ, ЎЗА мухбири.

ТЕННИС УСТАЛАРИ ТОШКЕНТДА

Пойтахтимиздаги «Тошкент теннис маркази» кўртларида теннис бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бошланди. Мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ доллари тенг бўлган мусобақада қитъамизнинг йиғирмага яқин мамлакатлари теннисчилари бош соврин учун баҳо юртимқодлар.

Хабарингиз бор, Осиё теннис федерацияси 2002 йилда мазкур нуфузли турнирни Ўзбекистонда ўтказишни маъқул топгани. Қаторасига уч марта уюштирилган чемпионат ўйналари ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтди. Шуларни ҳисобга олган ташкилотчилар даявогар мамлакатлар кул бўлишига қарамай, чемпионатнинг иккинчи мундтаб мусобақаларини ҳам (2005-2007) юртимизда ўтказишга қарор қилишди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Ўзбекистон пойтахти жаҳон миқёсидаги мусобақалар ўтадиган марказга айланиб бормоқда. Юртимизда спортнинг қўлаб турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари муваффақиятли ўтказиб келинмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, Осиё чемпионатининг жаҳондаги оммавийлиги Тошкент

БИР ПАКАМ ШАРХИ

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми

19 фоизга ошди.

Маҳаллийлаштириш дастури изчил амалга оширилиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйган табиқорларга қатор имтиёз ва энгилликлар берилгани, шунингдек, хорроқ сармоясини жалб қилиш учун қўлай инвестиция муҳити яратилганлиги боис бундай иқобий қўсаткичга эришилди. Хусусан, музлаткичлар, қадқоланган табиий чой, яна ичимликлар, мева ва сабзавот консервалари, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча қўлайди. Шунингдек, гилам ва гиламчилик, энгил санонат тизимида кескин ўсиш кузатилади.

3. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига чин юракдан қўтловларимни ҳамда Сизга бахт-саодат ва мамлакатингиз халқига раванқ тилаб билдирган самимий истақларимни гоёт катта мамнуният ила йўлдан шарафига муяссарман.

АКИХИТО, Япония Императори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Хиндистон халқи ва ҳукумати ҳамда шахсан ўз номидан Ўзбекистон ҳукумати ва дўст ўзбек халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни муносабати билан муборакбод этиш менга катта мамнуният бахш этади.

Хиндистон ва Ўзбекистоннинг маънавий ва маданий мероси муштаракдир. Мамлакатларимизда глоралистик жамиятга асос солинган. Давлатларимиз низо уругини сочувчи қўларга қарши тура оладиган қўчи жамиятларни шакллантириш борасида ҳамкорлар ҳисобланамиз. Муносабатларимиз барча соҳаларда мамлакатларимизнинг манфаатлари йўлида ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Биз икки томонлама муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида фаол ҳамкорлик қилишдан манфаатдоримиз.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва омонлик, Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва раванқ тилаб билдирган энг эзгу истақларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Пратйбха Девисингх ПАТИЛ, Хиндистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари! Мамлакатингиз Мустақиллиги кўни муносабати билан Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқига катта мамнуният ила гоёт самимий қўтловларимни йўллайман.

Қўвонч билан таъкидлашим керакки, бизнинг икки томонлама муносабатларимиз барча соҳаларда тўбора мустаҳкамланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар кейинги йилларда ҳам ривожланиб боравершига ишончим қомил.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ҳамда кўпдан-кўп муваффақиятлар, буюк мамлакатингизга раванқ тилаб йўллаган энг эзгу истақларимни қабул қилгайсиз.

Но Му Хён, Корея Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан Покистон халқи ва ҳукумати ҳамда шахсан ўз номидан самимий қўтловлар йўллашдан бахтиёрман.

Мамлакатларимиз яқин муносабатларга эга. Ишончим қомилки, бу муносабатлар келгуси йилларда янада мустаҳкамлашни бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилаб билдирган истақларимни лутфан қабул қилгайсиз. Шунингдек, Ўзбекистон ва унинг халқига тинчлик, тараққиёт ва раванқ тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Генерал Парвез МУШАРРАФ, Покистон Ислам Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик кўни муносабати билан самимий қўтловларимни қабул қилгайсиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидан дадил олға ҳаракат қилиб, халқаро муносабатлар тизимида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Ишончим қомилки, мамлакатларимиз ўртасида таркиб топган яқин қўшнчилик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликка асосланган дўстона муносабатлар бундан буён ҳам давлатларимиз халқлари манфаатлари йўлида оғишмай ривожланади ва мустаҳкамланиб бораверади.

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб Сизга мустаҳкам соғлиқ ва давлат ишларинидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва раванқ тилайман.

Эҳтиром ила,

Нурсултон НАЗАРБОВЕВ, Қозғистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кўни муносабати билан Сизга ва Сиз орқали мамлакатингизнинг бутун дўст халқига ўз қўтловларимни йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро биродарлик муносабатлари Туркманистон ва Ўзбекистон халқлари манфаатлари йўлида бундан буён ҳам жадал ривожланиб, мустаҳкамланиб боравершига қатъий ишон билдираман.

Ушбу қўвончли имкониятдан фойдаланиб, Сизга чин юракдан мустаҳкам соғлиқ ва омонлик, биродар Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ҳамда раванқ тилайман.

Эҳтиром ила,

Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ, Туркменистон Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзининг самимий табриқларимни йўллашдан гоёт мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст ўзбек халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Мухоммад Хусний МУБОРАК, Миср Араб Республикаси Президенти.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Швейцария Конфедерацияси Федерал Кенгаши номидан самимий қутловлар йўллаш ҳамда шахсан Сизга омонлик ва мамлакатингизга раванқ тилаб билдирган энг эзу истакларини йўллаш менга гоят катта мамнуният бахш этади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Мишлин КАЛМЫС-РЕЙ, Швейцария Конфедерацияси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Миллий байрам – Муस्ताқиллик куни билан Сизни ва Ўзбекистон Республикаси халқини самимий қутлайман.

Давлатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама муносабатлар дўстлик, ҳурмат ва ўзаро манфаатдорлик асосида муваффақиятли ривожланишига ишончим комил.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин юракдан муштажам соғлиқ, давлат ишларидаги фаолиятингизда бундан буён ҳам катта ютуқлар, мамлакатингиз халқига эса тинчлик ва раванқ тилайман.

Эҳтиром ила, Александр ЛУКАШЕНКО, Беларусъ Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами — Муस्ताқиллик куни муносабати билан самимий қутловларини қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, барча даражаларда, энг аввало, олий даражада мунтазам олиб борилган мулоқот, икки томонлама ҳамкорликнинг асосини ташкил этувчи сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги муштарак қарарларимиз, эришилган ахдлашувларни фол амалга ошириш, халқро ташкилотлардаги ўзаро маддад давлатларро муштажам шериклигимизни давом эттиришда муҳим омил ҳисобланади.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин юракдан муштажам соғлиқ ва масъулиятли давлат ишларидаги фаолиятингизда бундан буён ҳам катта муваффақиятлар, дўст ўзбек халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Чўқур эҳтиром ила, Виктор ЮЩЕНКО, Украина Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Миллий байрам — Муस्ताқиллик куни муносабати билан Сизга ҳамда Ўзбекистоннинг бутун дўст халқига Озарбойжон халқи ва шахсан ўз номидан йўллаётган самимий қутловларини қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик бундан буён ҳам давлатларро муносабатларимизни янада жадал ривожлантиришига, минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт ишига қўмқлашиб, муштажамланиб бораверади.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга муштажам соғлиқ ва давлат ишларидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва раванқ тилайман.

Эҳтиром ила, Илҳом АЛИЕВ, Озарбойжон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикасининг Муस्ताқиллик куни муносабати билан Сиз ва бутун ўзбек

халқини табриклаш менга чинакам мамнуният бахш этади.

Тожикистон халқларимиз ва давлатларимизни қалин ришталар билан боғлаб турган муштажам асрий самимий дўстлик ва яхши қўшнчилик аъёнларини юксак қадрлайди.

Биз бу бебаҳо меросни ҳозирги шиддатли давр талабларига ҳамоханг янги мазмун билан бойитишга азму қарор қилганмиз.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга ушбу шонли байрам куни чин қўнғилдан сихат-саломатлик ва дўст Ўзбекистоннинг фаровонлиги йўлида катта муваффақиятлар, ўзбек халқига эса тинчлик ва раванқ тилайман.

Эҳтиром ила, Имомали РАҲМОН, Тожикистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси Муस्ताқиллик куни байрам қилиниши муносабати билан Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ҳамда Сиз орқали Ўзбекистон Республикаси халқига қизгин ва самимий қутловларини йўллаш менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик ришталари самимий дўстлик муносабатлари ва инсониятнинг янада раванқ топишига эришиши йўлидаги муштарак мақсадларимиз билан муштажамланиб бораверади.

Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқига барқарор тинчлик ва раванқ, Сиз, Жаноби Олийларига муштажам соғлиқ ва муваффақиятлар тилаб билдирган энг эзу истакларимни, шунингдек, Сизга бўлган гоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Д-р Х.Сусило Бамбанг ЮДХОЕНО, Индонезия Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Муस्ताқиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларини йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Қобус бин САИД, Уммон Султони.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон Республикаси халқига Қатар давлати халқи ва шахсан ўз номидан самимий табриклар ва эзу тилаклар йўллашдан гоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига муштажам соғлиқ, дўст ўзбек халқига доимий раванқ ва фаровонлик тилайман ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар келгусида янада муштажамланишига умид қиламан.

Қамолоти эҳтиром ила, Ҳамид бин Халифа Ол СОНИЙ, Қатар Давлати Амيري.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Миллий байрамимиз — Муस्ताқиллик эълон қилинган кун муносабати билан Сизни қизгин ва самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги аъёнани дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам Молдова Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси халқларининг манфаатлари йўлида муштажамланиб, янада ривожланиб бораверади.

Мухтарам Президент жанобларига, Сизга муштажам соғлиқ ва барча ишларингизда улкан муваффақиятлар, дўст ўзбек халқига эса тинчлик, эзулик ва раванқ тилайман.

Эҳтиром ила, Владимир ВОРОНИИ, Молдова Республикаси Президенти.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ижтимоий ҳимояга муҳтожлик сезган кишиларнинг нафакат моддий, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши, қадрланиши, уларга меҳр-муруват кўрсатилиши баробарида, у ёки бу сабабларга қўра жамиятда ўз ўрнини тополмай қийналиб юрган фуқаролар учун ҳар томонлама имкониятлар яратиб берилаётди. Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, хусусий ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кўрилатган қатор чора-тадбирлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишига бағишланган меърий ҳужжатлар, фарзандлар тарбиясидан ажралмаган ҳолда ишлашни хоҳлаган оналар, уй бекалари учун ниҳоятда катта қулайликлар яратилаётганилиги давлатимиз сиёсатининг муҳим тарихий қисмларидан биридир.

Истиқлол йилларида ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асослари ҳам муштажамланди. Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунларида айнан ижтимоий ҳимоя борасидаги янги-янги муносабатлар тартибига солинган ва реал шароит ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда бу ишлар давом эттирилмоқда.

Бир тиббиёт ходими сифатида шунини айтиш кераки, мустақиллик йилларида ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий бўғинларидан бири бўлиши соғлиқни

сақлаш тизимида кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилди. Шу йиллар мобайнида ушбу тизимга бағишлаб мамлакатимиз Президентининг 2 та Фармони (1998 йил 10 ноябрь ва 2003 йил 26 февраль) эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасининг соҳага тегишли 12 та қонуни ҳамда Вазирлар Мақома-сининг ўнлаб қарорлари чиқарилди. Уму-

лаборатория усқуналари билан таъминланган Скрийнинг марказлари аҳолига беҳимнат хизмат қилиб келмоқда. Соҳанин моддий-техник базаси муштажамланди.

Яқинда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Давлатимиз бюджетининг 2007 йилнинг биринчи ярим йиллик ихроси муҳокама қилинди. Унга қўра,

Ана шуларнинг барчаси, табиийки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатдан, давлатимиз ижтимоий ҳимоя тизимининг муштажам ҳудудий-меърий базаси шаклланишидан далолат беради. Аммо бу мазкур тизимда муаммолар йўқ дегани эмас. Чунки соҳада ислохотлар давом этмоқда. Ислохотлар эса ҳар бир инсондан, энг аввало, локайд ва бепарво бўлмасликни, атрофдаги (жумладан, ташқаридаги) воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашни, фидойи, ҳалол-поқ ва ташаббускор бўлишни, жамият раванқини учун тўсиқ бўладиган ҳар қандай кўчқи вақтида бартароф этишни, филхал стереотипини замонага мос равишда ишловдан таломга — прогрессив йўналиш сари ўзгартиришни талаб этади. Президентимизнинг Ўзбекистон Муस्ताқиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузаси бизни ана шундай руҳ билан яшашга ва ишлашга чорлайди. Зеро, бу чорлов замонада дадил қадам ташлаётган истиқлол фарзандлари — зурриёларимизнинг бахтли келажаклари учун кураш туйғуси ҳам мавжуддир.

Зухра БОТИРОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

ФИДОЙИ ЯШАШ МАСЪУЛИЯТИ

ман олганда, Мустақиллик йилларида фуқаролар соғлигини сақлаш борасида амалга оширилган ишлар қўламини сўз билан ифодалаш қийин: жуда кичка вақт ичида юртимизнинг энг чекик қишлоқ ва овулларда замонавий тиббий жиҳоз ва ашёлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари, Республика шойлиқин тиббий маркази ва унинг жойлардаги филиаллари, мамлакатимизда фаолият юритиб катта 4 та ихтисослаштирилган тиббий илмий-амалий марказ (урология, жарроҳлик, кардиология ва кўз хирургияси), тугма ноғиронликнинг олдини олишга мўлжалланган жуда қimmatбах замонавий жиҳозлар,

биргина соғлиқни сақлаш тизими учун 180,1 миллиард сўм бюджет маблағи, жумладан, тиббий муассасаларни таъмирлаш ишларига 1,8 миллиард сўм харажат қилинган. Бу ўтган 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баравар кўтдир.

Муштақиллик йилларида тиббиёт соҳасидаги ислохотлар самарасини ривожланиб келаётган хусусий сектор фаолиятида ҳам кўриб турибмиз. Тиббий хизматлар бозори вуҷудга келди. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили тиббиёт соҳасида ҳам амал қилаётганлиги келажакда ўзининг ижобий самарасини бериши аниқ,

БОҒДА ЎТГАН ДЎСТЛИК КЕЧАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда бугунги кунда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва эллар ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат

қилаётди. Юртимизда барча миллат вақиларининг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, меҳнат қилиши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол иштирок этиши, урф-

даният марказининг ташкил этилиши бунинг ёркин далилидир.

Марказ томонидан Ватанимиз муштақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!» мавзюда дўстлик фестиваллари, иждодий анжуманлар, сайилар, муслиқ кечалар, бахши ва оқинлар айтышувлари, бадий ва фотокурғазмалар ташкил этилди.

Бобур номидаги боғда ўтган кечада мамлакатимизда фаолият юритиб катта миллий маданият марказларининг бадий жамоалари ўз муслиқ дастурларини намойиш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Абдуҳалимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Иномова иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА, ЎА музбир, Сарвар ўРМОЛОВ олган сурут.

Яхши хабарлар

Кутлуг байрамга тўёна сифатида Дўстлик шаҳрида улкан савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга тушди.

Тўёна — тўёна

Узоқ вақтдан буён фойдаланилмай ётган универсал магазин ўрнида қад ростлаган ушбу мажмуаниннг биринчи қаватида ёшлар учун кафе-бар, дам олиш хоналари, дўконлар, иккинчи қаватида эса «Пальмира» хусусий корхонасига қарашли тўйхона жойлашган. Замонавий иншоотни барпо этиш, жиҳозлаш учун 200 миллион сўм сарфланган.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» музбири.

Фермерлар сизлар учун

Зангиота туманида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган ёшлар шу кунларда ажойиб совғага эга бўлдилар.

Бўсув қишлоғида ёш фермерлар ва тадбиркорлар ўқув маркази очилди. Уни ташкил этиш учун «Қамолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Маркази кенгаши 16 миллион сўм микро-релиз маблағ ажратди. «Ўзгазони» шўба корхонаси эса ҳўмийликни ўз зилмасига олиб, 28 миллион сўм пул ўтказди.

Марказда ёш дехқонлар богдорчилик, узумчилик, мева-сабзавотчилик, галлачилик, чорвачилик ва паррандачилик бўйича сабоқ оладилар. Назарий билимларини амалиётда синаб кўрадилар.

Абдунаби ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» музбири.

Авгга чиқсин мусиқа, қўшиқ!

Хоразм вилоятининг Хонқа тумани марказида 450 ўринли киноконцерт залининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Қайта реконструкция қилинган эски кинотеатр ўрнидаги янги маданият муассасаси замонавий услубда жиҳозланганлиги ва барча қулайликларга эгалиги билан ажралиб туради. Ушбу киноконцерт зали хонқаликлар учун Муштақиллик байрамнинг кутлуг 16 йиллигига ажойиб совға бўлди. Маданият муассасасининг очилиш маросимида вилоят ҳўқими И. Бобоносов иштирок этди.

Мишли САФАРОВ, «Халқ сўзи» шарҳловчиси. Пўлнатбек БЕКМЕТОВ.

Танлов

Бухоро вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Маҳалла» жангармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида «Истиқлол даври ойналари» танлови ўтказилди.

ИБРАТИЛ ОИЛА

Танловнинг худудий босқичларда гўлиб чиққан ўн киши «Спорт — менинг ҳаётимда», «Икки ибратли оиламиз», «Иккинчи истеъдод», «Қўлланган вақит» каби шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Истиқлол байрамига бағишлаб ўтказилган ушбу танловда Қотон тумани вақили — Хамроевлар оиласи гўлиб дўб топилди.

Тадбир катташчилари ташкилотларнинг қимматбах соғайлари билан тақдирландилар.

Истом ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» музбири.

Муштақиллик дарси:

ЎЗИНГ МЕНИНГ УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яна бир муҳим воқеа шуки, бу йил мактабларимизнинг биринчи синфига 487 миң 359 нафар жонжи ўғил-қизлар келди. Биринчи кўнғирок тадбирда улар хотирларидан бир умр муҳрланиб қоладиган эзу воқеани бошдан кечирди, тантаналар иштироқчиларининг олқиш-чақалари остида ҳар бирлари, бағирга 12 номдаги ўқув қуроллари жойлаштирилган мактаб сумкаларини Президент болалари номидан ноёб совға тарзида қабул қилиб олдилар. Худди шу тадбирлар чоғида юртимиздаги кам таъминланган оиналарнинг фарзандларига ҳам Президент совғаси сифатида 716 миң тўплам иссиқ қийим-бош ва дарсликлар ҳадя этилди. Бу совғаларни алоҳида қаламга олсак, миң бора арзийди. Негаки, болаларини ва қизларининг мактабга, билим маърифат дунёсига илк қадамларини шахсан Юрт отасининг ўзи муборакбод этадиган Ўзбекистонимизда яна бир мамлакатни дунёда топа олмайсиз.

Ҳа, бизда баркамол янги авлод тарбияси шахсан Юртбошимиз эътиборида. Бу масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу улкан ҳақиқат 2007-2008 ўқув йилига тай-баргариликлар кўриш пайтида яна бир марта ўзининг ёркин исботини топди. Чўночи, Мактаб таълимни ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига биноан, бу йил 1608 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шу жумладан, 62 та авария ҳолатидаги мактаб бузиб бўлиб, уларнинг ўрнига янги мактаблар қурилди. 498 та мактаб капитал реконструкциядан чиқарилди. 676 та мактаб капитал ҳамда 372 та мактаб жўрий таъмирланди. Мактабларнинг барчаси замонавий меъморлик, ўқув-лаборатория усқуналари ва компьютер техникалари билан тўлиқ жиҳозланди. Мактаб ҳаётида ўқитувчи-устозларнинг ўрни, мактеб алоҳида салмоқлидир. Президентимиз Ўзбекистон Муштақиллигининг 16 йиллигига бағишланган юкори доирадаги қўшма мажлисида

қилган дастурий маърузасида бугун республика таълим тизимида замона таъбирларига жавоб берадиган янги тоифадаги ўқитувчилар меҳнат қилаётганлигини мамнуният билан таъкидладилар. Ишонч билан айтиш мумкинки, ҳозирги кунда Ватанимиз умумтаълим мактабларида ишлайтган 450 миң 327 нафар педагог ҳодимнинг катта қисми худди шундай малакали шахслардир. 2007-2008 ўқув йилида умумтаълим мактабларига яна 7301 нафар замонавий билим-сохиқбарни ёш педагог келиб қўшилди.

Республика ҳукумати томонидан тасдиқланган қўрсаткичлар асосида 2007-2008 ўқув йили учун 248 номда 19,4 миллион нўса дарсликлар тўлиқ чоп этилиб, мактабларга етказилди. Жўрий ўқув йилида мамлакатимиз умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлангани даражаси 95,7 фоизи ташкил этди.

Ҳам ўзига хос ютуқлар ва ривожланишларга эришилган ҳолда қўлай қўлай бўлмоқда. Масалан, мавҳуд ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ёнча 2007-2008 ўқув йилида яна 21 та академик лицей ва 179 та касб-хунар коллежи қўшилди. Пиравардида, бугунги кунда мамлакат умумтаълим мактаблари 9-синфларни битирувчиларининг 75 фоизини ўрта-махсус, касб-хунар таълимига қамраб олиш имкони турганди. Олий таълим тизимида эса янги ўқув йили арасида яна бир олий ўқув даргоҳи ёшларга ўз эшиklarини очди. Бу ўрнида биз Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда очилган И. М. Гўбкун номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиали назарда тутилган. Шундай қилиб, республикамадаги олий ўқув юртиларининг сони 65 та етди.

Бизда таълим-тарбия йўналиши юксак диққат-эътиборда. Баркамол, етук авлод — бутун халқимизнинг орузси. Давлатимиз раҳбарининг эзу максамда. Президентимизнинг юкорида эслан-

ЖАҲОН

24 соат ичида

Ядро объектлари ёпилади

Корея Халқ Демократик Республикаси ўзининг барча ядро объектларини шу йилнинг охиригача ёпиши керак. Хитой, КХДР, АҚШ, Россия, Япония ва Корея Республикаси иштирокида ўтказилган олти томонлама музокараларда Америка делегациясини бошқарган Кристофер Хилнинг таъкидлашича, сўнгги ишчи гуруҳи йи-



филишида расмий Пхеньян билан ядро объектларини тўхтатишнинг техник жиҳатлари келишиб олинган.

Бир ҳафталик вазир

Бундан бир ҳафта бурун Такэхико Эндо Япония қишлоқ хўжалик вазирлиги этиб тайинланди.

Кеча у истеъфога чиқди. АФР хабарига айтилишича, Эндо яқинда кун кечкурун ҳукумат раҳбари Синдзо Абэ билан учрашгандан сўнг шундай қарорга келган. Маҳаллий матбуотда пайдо бўлган хабарда таъкидлашича, вазир фермер хўжалиқлари уюшмасини бошқарган пайтда коррупцияга аралашиб қолган.

Автобус кулаб тушди



Яқинда кун кечкурун Словакияда йўловчи автобус ҳалокат учради. ИТАР-ТАССнинг хабарига айтилишича, автобус тоғ йўлига

кўтарилиш пайтида тормози ишламай қолган ва 50 метр пастрга кулаб тушган. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳалокат натижасида, олти нафар йўловчи ҳалок бўлган, ўн киши жароҳатланган. Автобусда фольклор фестивали иштирокчилари олиб кетилаётган. Ҳалокат жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб бориляпти.

Бир йўла олти фарзанд

АҚШнинг Флорида штатидаги Санкт-Петербург шаҳарчасида истиқомат қилувчи 29 ёшли Каролина Билер бир йўла олти фарзанд кўрди.

Етти ойда туғилган эгизакларнинг бир нафари қиз, қолганлари ўғил болалар. Вврачларнинг таъкидлашича, гудакларнинг оғирлиги бир килодан бир ярим килোগача. Эгизаклар яна икки ой туғруқхонада врачлар назоратида бўлишди.

Хайр, Басра

Буюк Британия ҳукумати ўз қўшинларини Ироқнинг Басра шаҳридаги мустақам химояланган «Сарой» ҳарбий базасидан олиб чиқишни бошлади. Бу ҳақда Бир-лашган Қироллик Мудофаа вазирлиги вакили маълум қилди. «Сарой»да шу пайтга қадар 550 нафар аскар хизмат қиларди. Энди улар

ушбу шаҳар аэропорти яқинидаги ҳарбий базага кўчирилади. Буюк Британиянинг Басрадаги қўшинлари вакили, майор Майк Ширернинг қайд этишича, аскарларнинг олиб чиқишидан қўзланган асосий мақсад, шаҳар назоратини Ироқ қўшинларига топширишдир.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТУҲФА

Шарқ гавҳари, замин сайқали — Самарқанднинг Мустақиллигимиз байрами арафасида ўтказилган улкан тўйи мавжлари тану вужудимизни, ақлу идрокимизни ҳамон сеҳрлаб келмоқда.


РЎЙИ ЗАМИН МЎЪЖИЗАСИ

Негаки, ушбу кўнда асрлар қаъридан отилиб чиқаётган оҳанглар юртимизнинг эркин ва озод наволари билан қоришиб кетди. Улғубекка роз айтган юлдузлар янада равшанлашиб, бу шаҳри азим ва шаҳри қадим шаънига «Эжики Қурагоний» тилида таҳсин ўқидилар.

Хаёл оғушидаги минорлар ҳам унинг бугунги жамоли қаршисига лолу ҳайратда қотдилар. Зеро, Самарқанд, таъбир жоиз бўлса, Оллоҳнинг ер юзюда яратган бир мўъжизасидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Самарқанд деганда ҳар бир инсоннинг ҳам қалбини ром

этиб, умрбод ўзига мафтун қилиб қўядиган, бир қўрган одам, қани энди яна бир бор кўрсам, деб орзу қиладиган гўзал ва буюк шаҳар намён бўлади».

Ана шу гўзаллик ва мафтункорликни биз «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилиб, хали охори ҳам, ховури ҳам кўтарилмаган «Samarqand» фотоальбомида яна бир қарра кўрдик. «Шарқ»чиларнинг бу ажойиб тўхфаси ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланган. Расмлар, хариталар, мезморий безак на-



муналари Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу шаҳарнинг ўтмиш давлатчилиги, маънавий-маърифий қадриятлари, тарихий осори атқаларидан тортиб, унинг истиқлол йилларидаги юксалишларига ҳикоя қилади. Фотоальбомни арақлаганингиз сайин Самарқанднинг қайта ашараётганини, унинг шухрати, афсоналарга айланиб кетган тарихи янгидан тикланаётганини ҳис қиласиз. Дарҳақиқат, матбаачиларнинг бу тўхфаси ана шу томонлари билан ҳам қадри ва қимматлидир.

Эсирғап БОЛИЕВ.

Тадбир

ҒОЛИБ МАСЛАҲАТЧИЛАР

Жиззах вилоятининг «Маҳалла» марказида «Фўқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний-маърифий, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Унда Жиззах, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллаларининг маслаҳатчилари ўзаро беллашдилар. Марказда намойиш этилган турли кўргазмалар, ташаббускор маҳалла маслаҳатчиларининг энг намунали иш тажрибалари акс этган фотоальбом ва матбуотда чоп этилган мақолалар, видеотасвирлар ҳакамлар ҳайъатига ғолибларни аниқлашга яқиндан ёрдам берди.

Танлов якунига қўра, Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Шо-файзи боғи» маҳалласи ҳамда Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласи маслаҳатчилари Малика Махмудова ва Маҳфират Бердиева бош совринга сазовор бўлишди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кўрик-танловнинг минтақавий босқичи Урганч шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Хоразм вилоятларидан биринчи босқичда ғолиб чиққан маҳалла маслаҳатчилари ўз иш тажрибалари — билим ва кўникмалари бўйича тан-

лов ғолиблиги учун беллашдилар.

Кўрик-танловда жарқўрғонлик Рисолат Худойбердиева биринчи, хивалик Зулайхо Иброҳимова иккинчи, тўртқўллик Жамила Саидова учинчи ўринни қўлга киритишди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки «ЎҚТАМБАНК» САРМОЯЛАРИНГИЗДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИНИ ЯРАТАДИ.

ХОАТБ «ЎҚТАМБАНК» куйидаги турдаги депозит омонатларини қабул қилади.

Омонат тури	Омонатдан тўланадиган фойзалар	Омонат сақланиш муддати	Омонатнинг энг кичик ва энг йирик қиймати	Омонат қабул қилиш муддати	Бошқа шартлар
МИЛЛИЙ ПУЛ БИРЛИГИДАГИ ОМОНАТЛАР					
"Мустақиллик"	22% йиллик (омонат қуйилганда ва энг ёпишганда тўланади)	Уч ой	100 минг сўм ва ундан юқори	2007 йил 20 августдан 20 сентябргача	
"Рамазон"	25% йиллик (омонат қуйилганда ва энг ёпишганда тўланади)	Уч ой	200 минг сўм ва ундан юқори	2007 йил 5 сентябрдан 15 октябргача	
"Коммунал"	25% йиллик (ҳар бир ойнинг сўнггида тўланади)	Муддатсиз	100 минг сўмдан юқори	Муддати чегараланмаган	Фойзалар коммунал хизматларнинг тўлаш учун ўтказилади
"Келажак"	18% йиллик (ҳар бир ойнинг сўнггида тўланади)	10 йилгача	100 минг сўм ва ундан юқори	Муддати чегараланмаган	16 йилдан катта бўлмаган болалар қомисга очилади
"Саёҳат"	20% йиллик (омонат ёпишганда тўланади)	12 ой	50 минг сўм ва ундан юқори	Муддати чегараланмаган	Фойзалар дам олиш жойларига тўланади
"Саломатлик"	20% йиллик (омонат ёпишганда тўланади)	12 ой	50 минг сўм ва ундан юқори	Муддати чегараланмаган	Фойзалар дам олиш жойларига тўланади
"Авто"	11% йиллик (ҳар бир ойнинг сўнггида ва энг ёпишганда тўланади)	Муддатсиз	1000 сўмдан юқори	Муддати чегараланмаган	
"Ипотека"	12% йиллик (ҳар бир ойнинг сўнггида ва энг ёпишганда тўланади)	Муддатсиз	1000 сўмдан юқори	Муддати чегараланмаган	
"Истеъмолчи"	10% йиллик (ҳар бир ойнинг сўнггида ва энг ёпишганда тўланади)	Муддатсиз	1000 сўмдан юқори	Муддати чегараланмаган	
Пластик карточка	14% йиллик (ҳар бир ойнинг сўнггида ва энг ёпишганда тўланади)	Муддатсиз	300 минг сўм ва ундан юқори	Муддати чегараланмаган	
ЧЕТ ЭЛ ПУЛ БИРЛИГИДАГИ ОМОНАТЛАР					
6-12 ойлик	6% йиллик (ҳар бир чоракнинг сўнггида)	6 ойдан 12 ойгача	1000 АҚШ долл. ва ундан юқори	Муддати чегараланмаган	
1-3 йиллик	7% йиллик (ҳар бир чоракнинг сўнггида)	1 йилдан 3 йилгача	2000 АҚШ долл. ва ундан юқори	Муддати чегараланмаган	
3-5 йиллик	8% йиллик (ҳар бир чоракнинг сўнггида)	3 йилдан 5 йилгача	2000 АҚШ долл. ва ундан юқори	Муддати чегараланмаган	
"Талаб қилиб олгунча"	5% йиллик (ҳар бир ойнинг сўнггида)	Муддатсиз	10 АҚШ долл. ва ундан юқори	Муддати чегараланмаган	
"Вояж"	7% йиллик (омонат ёпишганда тўланади)	Икки ой	500 АҚШ долл.дан 5000 АҚШ долл.гача	Муддати чегараланмаган	

МАХСУС ОМОНАТ ШАРТЛАРИ

"Сизнинг шартларингиз" Узингизнинг имкониятларингизни бизга изохлаб беришнингиз билан бизнинг мутахассислар сизга энг қўлай ва унумли бўлган омонат таклифлари билан чиқишди.

Изоҳлар: Омонатнинг муддатсизлиги — омонатни истаган пайтда очилиши ва ёпиши имкониятини беради. Омонатни тўлдирини — илк омонат қийматини тўлдирини имкониятини беради. Фойзаларнинг омонат қийматига қўшилиши — омонат қийматига билан бирга қўшилган фойзалардан қўшимча фойза олиш имкониятини беради.

Мурожаат учун тел.: 112-26-62, 112-26-63 Тошкент шаҳрида ва (375) 227-58-95 Қарши шаҳрида. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-қават, 8-уй (мулжал — «Юнусобод» бозори).

«ТошОП ТехСервис» МЧЖ СОТАДИ:

қуйидаги ишлатилган ускуналарни

- токарлик, фрезерлик, силлиқлаш дастгоҳлари;
- гальваника линияси;
- темир пресслаш, технологик таъмирлаш ускуналари ва бошқалар.

Қуйидагиларни таъмирлайди:

автомобиль, трактор ва дизель агрегатлари ёнилги аппаратлари; МДХ ва Европа Иттифоқи давлатлари материаллари ва технологияларини қўллаган ҳолда автомобиллар, тракторлар ва компрессор станциялари тирсакли (коленчатый) валларини тиклаб беради.

Тел.: 290-88-73, 185-05-02, 292-07-61. Факс: 283-10-59.

«ФАРФОНАПАХТАСАНОАТ»

ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

вилоятнинг миришкор пахтакорларини, фермерларини, Ўзбекистон халқини бизга бекиёс бахту саодат ва эрк ҳуқуқини берган Истиқлол байрами билан самимий қутлайди!

Мустақиллигимиз абадий, бахтимиз ҳамيشа норлоқ бўлсин!



СПОРТ

МЕДАЛСИЗ ҚАЙТИШМАДИ

Индонезия пойтахти Жакартада сузши бўйича V Осиб чемпионати бўлиб ўтди.

Мазкур турнирда ўзбекистонлик ёш спортчилардан Юлдуз Кучқорова яхши натижага эришти. У 50 ва 100 метрга чалқанча усулда сузиш баҳсларида кумуш, 200 метрга чалқанча усулда сузишда эса бронза медалини қўлга киритди.

ХАЛҚАРО ТУРНИР СОВРИНДОРИ

Қозғоғистонда шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган "Chess Tournament - 2007" халқаро турнирида икки нафар ҳамюртимиз совриндорлар сифидан жой олди.

Тошкентлик Андрей Квон шохсула сари элтувчи учрашувларни ишончли ўтказиб, 7 очко жағғарди ва халқаро турнир ғолиби бўлди.

Тошкентлик Андрей Квон шохсула сари элтувчи учрашувларни ишончли ўтказиб, 7 очко жағғарди ва халқаро турнир ғолиби бўлди.

3. ЖОНИБЕКОВ.

ШОҲСУПАДА - СИРДАРЁ ПОЛВОЛАРИ

Яқинда Пскент шаҳрида бўлган кураш бўйича кураги ерга тоғмаган машҳур полван Нуриддинхон Маликов хотирасига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди.

Унда ҳамюртларимиздан ташқари Қирғизистон, Тожикистон ва Эрондан келган, эл таниган полвонлар иштирок этишди.

Турнирнинг классик йўналиши бўйича ўтказилган нубсбақларда сирдарёликлар биринчи ўринни, курашнинг эркин йўналиши бўйича эса иккинчи ўринни қўлга киритди.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг навбатдаги олтинчи анжумани ниҳоясига етди. Шу пайтга қадар унда 1200 дан зиёд хонанда ва созанда ўз истеъдодини намойиш этган бўлса, куни кеча яқунланган мусиқа байрами иштирокчиларини қўшганда, мазкур рақам 1500 дан ошиб кетди.

САМАРҚАНДДАН ТАРАЛГАН НАВО

Бу галги мусиқа фестивали истиклолимизнинг боқий шаҳри - Самарқанднинг 2750 йиллик тантаналарига уланиб кетиши тарихий аҳамият касб этди. Шарқнинг XXI аср бўсағасида ўз мустақиллигини қўлга киритган ва ўн олти йил ичида салкам юз йилликка тенг муваффақиятларга эриша олган, ёш ва лектин тарихан улғу давлат Ўзбекистоннинг ор-номуси, фахр ва ифтихори саналган шаҳарда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг 10 йиллигини нишонлади.

га солгани юртимизнинг қадимий ва шонли аъёнлари бугун янгича шавкатда, эҳтиром ва иззатда эканлигини кўрсатди.

Шунинг билан бирга, фестиваль ўзбекистонликларнинг ўзига хос

илинж ва хоҳишлардан иборат.

Фестиваль ниҳоясига етди. Ғолиблар ва мағлублар ўз ватанлари сари йўл олдилар. Аслида Самарқандда ютқазган ва ютган санъаткор бўлма-

— Ўзбек мусиқаси ҳаётбахш оҳангларга бой мусиқадири. Унинг халқларни бирлаштирувчи, яқинлаштирувчи хусусияти бор. Азим шаҳарда мафтункор оҳанглари эшитиб амин бўлдики,



орзу-умидларини, интилишларини ифодалаб берди. Бу орзу умидлар — дунёни таҳлиқасиз, гўзал бир бутунликда кўриш, барча миллат ва элаларнинг қурол-ярғоғ эмас, соз кўтариб, қалблардан ёруғ оҳанглар таратиб бир жон ва бир тан бўлиб, ҳамжиҳатлик ва уйғунликда яшашлари учун муайян кенгликни вужудга келтириш, тинчликнинг музаам, абадий мезонини яратиш, энг муҳими, ҳазрати инсон учун барча яхшиликни, саховатни, оқибатни, саодатни бунёд этиш каби эзгу тилак ва истаклардан,

самимий, меҳмондўст, олижаноб халқгина мана шундай тантаналарга муносиб, — дейди Қувайт миллий мусиқа университети декани ўринбосари, машҳур бастакор Абдулла ал-Саломий. — Биз Гран-при мукофотиغا сазовор бўлганимиздан бахтиёримиз. Юрагимизда Сизга нисбатан эҳтиромни, эътирофни олиб кетаямиз.

Абдували ҚУТБИДИНОВ, Абдурусул САТТОРОВ, "Халқ сўзи"нинг махсус мухбирлари.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА КУБАЛИКЛАР ҚАТНАШМАЙДИ

Шу йилнинг 18 октябрдан 3 ноябргача АҚШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Куба бокс федерацияси мамлакат боксчилари ўшбу мусобақада қатнашмасликларини маълум қилди. Федерация тарқатган хабарда айтилишича, Чикагода, шубҳасиз, кубалик боксчиларни чалғитишга, йўлдан уришга ҳаракат қилинади. Шунинг учун бундай чемпионатда қатнашмаган маъқул.

турнирнинг бири ҳисобланади. Кубаликлар йўлланмаларни кейинги турнирларда қўлга киритишни мўлжаллашяпти.

СПЕЦТЕХНИКА ИЗ КИТАЯ

Advertisement for 'SPECTEHNKA IZ KIYA' featuring various construction and transport equipment like trucks, bulldozers, and excavators.

Large advertisement for 'GAZ' vehicles, listing models like GAZ-3221, GAZ-31105, GAZ-33023, GAZ-33027, GAZ-3307, GAZ-3309, and GAZ-3302, along with their specifications and contact information.

Advertisement for 'SOLAR MASTER' solar panel systems, highlighting energy efficiency and providing contact details.

Advertisement for 'SHARQ' real estate services, listing various properties and services available.

Footer section containing contact information for 'Халқ сўзи' newspaper, including address, phone numbers, and website details.